БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 18 (1796) | 24 январь, сешанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

ПАРТИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ЧАҚИРМОҚДА

Шу йил 10-18 январда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПССнинг навбатдаги, XXII съездини 1961 йил 17 октябрда чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ва Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда сўзлаган нутқи мамлакатимизда кенг меҳнаткашлар оммасининг зўр сиёсий активлиги ва буюк меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди. Бу Пленум партиямиз ва бутун совет халқи ҳаётида ғоят муҳим ўрин олади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида РСФСР Министрлар Советининг, Украина Компартияси Марказий Комитетининг, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг, Қозоғистон Компартияси Қўриқ ўлка комитетининг, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қиргизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон ва Эстония Компартиялари Марказий Комитетларининг докладларини тинглаб ва муҳокама этиб қайд қилдики, республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари давлат планини ва социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида бирмунча иш қилдилар. Мамлакатнинг бир қанча районларида иқлим шароити ноқулай келганлигига қарамай, ғалла, қанд лавлаги, мойли экинлар маҳсули, сабзавотлар 1960 йилда олдинги йилдагига қараганда кўпроқ етиштирилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бизнинг мамлакатимизда илгари ҳеч қачон кейнги етти йилда бўлгани каби тез суръатлар билан ривожланмаган эди. КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумидан кейнги даврда партиямиз ва бутун совет халқи ғоят катта ишларни амалга оширганликлари натижасида барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлат томонидан харид қилиш анча кўпайди. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми мамлакат қишлоқ хўжалигининг сентябрь Пленумидан кейнги ривожланишини яқунлади.

Барча совет кишилари, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари январь Пленуми қабул қилган қарорларни, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши тўғрисида, халқ фаровонлигининг тобора юксалаётганлиги ҳақида Пленум қабул қилган қарорда келтирилган маълумотларни мислсиз фахрланиш туйғулари билан кутиб олдилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда сўзлаган ёрқин нутқи халқ фаровонлигини оширишдаги манфаатларини кўзлаб мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш асосий йўналишларини ва конкрет вазифаларини белгилаб берди партия ва халқимизни социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб вужудга келтириш учун кураш программаси билан қуроллантирди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалигининг энг муҳим масалалари ҳақида КПСС Марказий Комитети Пленумига ёзган хати, ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқининг тезислари ва унинг Марказий Комитетнинг шу Пленумидаги нутқи жуда катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда қишлоқ хўжалигининг аҳволи чуқур анализ қилинган, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини тез ва тез ривожлантириш зарурлиги ва унинг реал имконияти асослаб берилган, хўжаликка раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлар танқид қилинган, социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилган, аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини тўла қондирмоқ учун дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш йўллари кўрсатиб берилган.

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга гўшт, жун ва тухум сотишда, пилла ва луб экинлари ҳосилини етказиб беришда 1965 йилга белгиланган даражага етиб олдилар ва анча ўзиб кетдилар. Давлатга сут сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият, ғалла, узум, сабзавот, тери ва мўйна сотиш плани ҳам ошириб бажарилди.

Колхоз ва совхозларимиз чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун курашиб, 895,5 минг тонна силос бостирдилар. Бу — 1959 йилдагига нисбатан 1,9 баравар кўп бўлиб, ҳар бир сигирга 21 тоннадан тўғри келади. 494,3 минг тонна ёки 1959 йилдагига нисбатан 110 тонна кўп дағал хашак тайёрланди. Молларнинг наслини яхшилаш, сунъий урчитиш, молларни боқиш ва парвариш қилишдаги илғор усулларни жорий этишда ҳам катта ишлар қилинмоқда.

Бироқ, шуни эътироф қилиш керакки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилиш гарчи 1953 йилдагига нисбатан кескин кўпайган бўлса ҳам, аҳолининг гўштга, сутга, сариёғга ва бошқа баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларига ўсиб бораётган талаби тўла равишда қондирилмаётир. Қишлоқ хўжалиги ҳали ҳам саноатда бўлгани сингари тез суръатлар билан ривожланмаётир, индустриямизнинг барқ уриб ўсишига ва аҳолининг талаби ўсиб бораётганлигига етиб улгуролмаётир, колхоз ва совхозлардаги мавжуд имкониятлардан ва ички резервлардан тўла-тўкис фойдаланилмаётир. Ўтган йили областимиз пахта тайёрлаш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятнигина эмас, ҳатто белгиланган планни ҳам бажаролмади. Бир қанча районлар пахтанинг ҳосилдорлигини кескин камайтириб юбордилар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми алоҳида таъкидлаб кўрсатдики, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш аҳолининг талабидан ҳамиша илдамроқ бориши керак. Коммунистик қурилишнинг, халқ фаровонлигини оғишмай юксалтиришнинг манфаатлари ҳозир қишлоқ хўжалигини бошқача, тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳамиша партиямизнинг диққат марказида туриши лозим. Яхши ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл бўлмаса социалистик экономиканинг равнақ топиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтириш учун кураш — коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шартидир, бу ҳақиқатан умумхалқ ишидир.

«Шундай фактлар оз эмаски,— дейилади Пленум қарорида, — ходимлар мажбуриятларни масъулиятсизлик билан оладилар, планни шунча бажарамиз, деб ҳаммаёққа жар соладилар, бу ҳақда бюрократларча оғиз кўпиртирадилар, лекин мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган ташкилий чораларни кўрмайдилар ва натижада мажбуриятларни бажаришни барбод қиладилар. Шундай раҳбарлар ҳам борки, улар ўзларининг фаолиятсизликларини ниқоблашга ва бутун иш яхши бораётир, деб кўрсатишга интилиб, давлатни алдашдан иборат жиноий йўлга тушмоқдалар, кўзбўямачиликка, қилинмаган ишни қилинди, деб кўрсатишга ва давлатга қарши бошқа ҳаракатлар қилишга йўл қўймоқдалар. Булар сиёсий ташкилотчилар эмас, балки амалпарастлардир, улар партияга иснод келтирадилар, уларни партиядан ўчириш ва судга бериш керак. Бундай ҳодисаларга қарши кескин кураш очиш, кадрларни партия ва халқ олдида виждонли ва ростгўй бўлиш руҳида, топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш керак».

Пленумнинг бу кўрсатмасидан ҳар бир раҳбар ходим тегишли партиявий хулоса чиқариб олиши, ўз постида масъулиятни чуқур ҳис қилиб виждон ва садоқат билан ишлаши, ваъдабозлик ва кўзбўямачиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши шафқатсиз кураш олиб бориши керак. Партия ташкилотлари Пленум қабул қилган қарорларнинг ва Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқининг моҳиятини, мазмунини ҳар бир кишига пухта тушунтиришлари, Пленум материалларини кенг пропаганда қилиш юзасидан ташкилий ва оммавий-сиёсий ишлари қуғайтириб юборишлари лозим. Бу шарафли ишда айниқса партия, комсомол ходимлари, агитатор ва пропагандистларимиз катта жонбозлик кўрсатишлари ҳамда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини янги ғалабаларга руҳлантиришлари зарур.

Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети оғир индустрияни ривожлантириш базасида социалистик қишлоқ хўжалигини янада зўр бериб юксалтиришга чақирмоқда. Чунки, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл қилиб таъминлай оладиган ва яхши ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, коммунизм қуриб бўлмайди. Коммунистик жамиятнинг муаззам биносини барпо қилаётган қаҳрамон халқимиз бу чақириққа лаббай деб жавоб берди ва партия белгилаган режаларни амалга ошириш учун янги ижодий ишларга отланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми партия ва халқимизнинг қудратли монолит бирлигини, совет халқи Коммунистик партия белгилаган тадбирларни бажонидил амалга оширишга ҳар доим тайёр турганлигини, ўзининг бутун куч ва ижодий ғайратини сира аямаслигини яна бир марта ёрқин намойиш қилди. Жонажон партиямизнинг навбатдаги XXII съезди шарафига кенг миқёсда авж олиб кетган социалистик мусобақа тўлқинлари буни яққол исбот этади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ва Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда сўзлаган ёрқин ва ғоят мазмунли нутқи билан қуролланган областимиз меҳнаткашлари партия XXII съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирадилар. пахтачиликни янада ривожлантириш учун. озиқ-овқат маҳсулотларини ва қишлоқ хўжалик хомашёсини она-Ватанга зарур миқдорда етказиб бериш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

Конго республикасига қарши агрессия тўхтатилсин!

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари бирдамлик кенгашининг Қоҳирада чақирилган Фавқулодда сессиясига мактуб юборди. Н. С. Хрушчев бу мактубида Конго халқининг адолатли курашини қўллаб-қувватлашда сессия жуда катта роль ўйнайди халқларнинг мустамлакачилик зулмидан тамомила қутилиш йўлидаги курашни тарихида муҳим саҳифа бўлади, деб ишонч билдиради.

Ҳозирги вақтда дейилади мактубда, империалистларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида Конго республикасига қарши қилаётган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари рағбатлантираётган агрессияси шундай тус олдики, бу агрессия Конго халқининг тақдири учунгина эмас, балки Африка ва Осиёдаги барча мустақил давлатлар халқларининг тақдири учун ҳам жиддий хавф туғдиради.

Баёнотда айтиладики Совет Иттифоқи ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга дир, деган принципига доим амал қилиб халқларнинг ўз миллий мустақиллигига эришиш ва бу мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларини ҳамиша сидқидил билан қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайди. (ТАСС).

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1961 йил 18 январда ўртоқ М. А. СУСЛОВ доклади

Ўртоқлар! Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвада ўтган йил 10 ноябрдан 1 декабрга қадар бўлиб ўтган Кенгаши тарихий аҳамиятга эга жуда эҳтиёжли воқеа бўлди.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг ҳозирги замонининг энг муҳим масалаларидаги принципиал позицияларини белгилаб берувчи Декларацияни ва Тинчлик манифестини қабул қилган 1957 йилги Москва Кенгашидан кейин орада уч йил вақт ўтди. Шу йиллар социалистик лагернинг қудрати ва халқаро таъсири зўр куч билан ўсган, миллий озодлик ҳаракатининг зарбалари остида мустамлакачилик системаси емирила борган, капиталистик дунёда синфий жанглар кучая борган йиллар бўлди. Жаҳон миқёсида кучларнинг нисбатида социализм фойдасига янги ғоят катта ўзгаришлар рўй берди.

Мана шу барча ўзгаришларнинг моҳиятини ҳар томонлама анализ қилиш, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичидаги хусусиятларни очиб бериш ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар стратегияси ва тактикасининг янги шароитга жавоб берадиган асосий йўлларини ишлаб чиқиш зарур эди. Жаҳондаги бутун коммунистик ҳаракатнинг вакиллари қатнашган кенг халқаро йиғинда бу вазифаларни энг муваффақиятли равишда ҳал қилиш мумкин бўлур эди. Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг ноябрь Кенгаши ана шундай халқаро йиғин бўлди.

Бу Кенгашда жаҳоннинг барча асосий районларидаги коммунистик ва ишчи партияларнинг: социалистик мамлакатлардаги коммунистик партияларнинг, тараққий этган капиталистик мамлакатлардаги коммунистик партияларнинг, миллий мустақилликка эришган мамлакатлардаги коммунистик партияларнинг ва миллий мустақиллик учун курашаётган мамлакатлардаги коммунистик партияларнинг вакиллари қатнашди. Бу эса, умуман халқаро коммунистик ҳаракат олдида турган, шунингдек айрим районлардаги коммунистик ва ишчи партиларнинг ҳам олдида турган асосий принципиал масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш имконини берди.

Чуқур мамнуният билан шуни айтиш мумкинки, **ноябрь Кенгаши ўз олдида турган ҳамма вазифаларни муваффақиятли ҳал қилди ва халқаро коммунистик ҳаракатда марксизм-ленинизмнинг янги зўр ғалабаси бўлди.**

Кенгашнинг бутун иши дадил революцион ижодкорлик, замонимизнинг актуал проблемаларини коллектив бўлиб ишлаб чиқиш руҳида ўтди. Баёнотда баён қилинган янги назарий қоидалар ва хулосалар марксизм-ленинизм назариясини ривожлантиришда қўйилган улкан қадам бўлди.

Кенгаш халқаро коммунистик ҳаракатнинг ва бу ҳаракат раҳбар кадрларининг ғоявий-назарий етуклиги ва чиниққанлиги юксак даражада эканлигини, улар марксизм-ленинизмга бажонудил содиқ эканликларини ва улуғ таълимотимиздан ҳар қандай чекинишларга уларнинг муросасиз эканликларини намойиш қилиб кўрсатди. Кенгаш олдида турган проблемаларни ҳар томонлама ижодий муҳокама қилиш натижасида халқаро тараққиётнинг ва коммунистик ҳаракатнинг барча энг муҳим масалаларига қарашда марксизм-ленинизм асосида бирликка эришилди

Кенгаш қабул қилган ҳужжатлар жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг ягона, умумий платформасидир, бу ҳаракатнинг янада жипслашуви ва янги муваффақиятларининг ғоявий негизидир.

Коммунистларни ўзларининг ғоявий раҳбарлари, ўзларининг энг ишончли маслаҳатчилари деб билган юз миллионлаб меҳнаткашлар коммунистик ва ишчи партиялар Кенгаши ҳамма халқларни тўқинлантириб турган саволларга тўғри ва равшан жавоблар беришга ишонган умид қилган эдилар. Меҳнаткашларнинг бу умидлари тўғри бўлиб чиқди.

Кенгаш ҳужжатларида: ҳозирги даврга баҳо бериш ва бу давр очиб бераётган истиқболлар тўғрисидаги, уруш ва тинчлик тўғрисидаги, империализм тайёрлаётган ядро урушининг олдини олиш имкониятлари, давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва қуролсизланиш мумкинлиги тўғрисидаги, социалистик мамлакатлардаги коммунистик партиялар ва халқларнинг асосий вазифалари тўғрисидаги, капитализм мамлакатларидаги ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг асосий вазифалари тўғрисидаги, миллий озодлик ҳаракатининг янада ривожланиш йўллари тўғрисидаги ҳозирги замонининг энг қизғин ва ҳаётий муҳим масалаларига шундай жавоблар берилдики, инсониятнинг тақдири ва унинг янада ривожланиш йўллари ана шу масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Кенгаш ҳужжатларида бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг кўп йилларга мўлжалланган ишларининг ажойиб программаси баён қилиб берилди. Кенгаш ҳужжатлари халқаро Коммунистик ва ишчилар ҳаракатини янги босқичга кўтаради ҳамда миллий озодлик ҳаракатига, шунингдек халқларнинг урушнинг олдини олиш учун, ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун олиб бораётган курашига янги зўр куч бағишлайди.

Шу тарихий Кенгашдан кейин халқаро коммунистик ҳаракатнинг йўли тағин ҳам равшанроқ бўлиб қолди, умумий курашимизнинг воситалари тағин ҳам ишончли ва забардаст бўлиб қолди, сафларимиз тағин ҳам кўпроқ жипслашди ва улуғ мақсадимиз — коммунизм — тағин ҳам қиличроқ бўлиб қолди.

I.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Кенгаши 1957 йилдаги Москва Кенгашида қабул қилинган Декларацияга ва Тинчлик манифестига содиқлиқни якдиллик билан таъкидлади. Декларация ва Тинчлик манифести бутун халқаро коммунистик ҳаракат учун жанговар байроқ ва ҳаракатга қўлланма бўлиб қолади. Воқеаларнинг кейнги уч йилдаги бориши халқаро вазиятга ва жаҳон тараққиётининг истиқболларига Декларацияда ва Тинчлик манифестида берилган анализнинг тўғрилигини тамомила исботлади. Декларация ва Тинчлик манифести халқаро коммунистик ҳаракатнинг ғоявий ва ташкилий жипслашувида, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун курашувчи барча кучларнинг жипслашувида жуда катта роль ўйнади.

1960 йилги ноябрь Кенгаши ижтимоий ривожланишдаги янги жараёнлар ва воқеаларга чуқур илмий баҳо берди, марксизм-ленинизмни янада ривожлантиришдан иборат бўлган янги муҳим назарий ва сиёсий қоидаларни илгари сурди ва ишлаб чиқди. **Давримизнинг характерини илмий таърифлаш** биринчи ўринда туради. Даврнинг характерига тўғри баҳо бериш фақат жуда катта назарий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, бу ишчилар синфи революцион партияларининг воқеликнинг объектив шароитига мос бўлиб тушадиган ва илмий жиҳатдан асосланган стратегиясини ва тактикасини ишлаб чиқиш учун ҳам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Тарихий ривожланиш ғоят мураккаб бўлиб қолган, бу ривожланиш суръатлари эса, ниҳоят даражада жадаллашган бизнинг замонимизда жаҳон тараққиётининг асосий тенденцияларини ва истиқболларини белгилаб бериш революцион курашда тўғри йўл тутмоқ учун айниқса муҳимдир.

Бутун коммунистик ҳаракатнинг умумий стратегия йўлинигина эмас, шу билан бирга, ҳар бир коммунистик партиянинг ўёки бу мамлакат хусусиятларига мос бўлиб тушадиган тўғри стратегиясини ва тактикасини ҳам ишлаб чиқиш даврнинг характери тўғрисидаги масала билан чамбарчас боғлангандир. В. И. Ленин кўрсатиб ўтган эдики, ҳар бир «...даврнинг асосий хусусиятларини билишгина бирон бир мамлакат хусусиятларининг тафсилотларини назарга олиш учун база бўлиб хизмат қила олади». (В. И. Ленин, Асарлар, 21 том, 145 бет).

Кенгаш давримизнинг характерини белгилашга КПСС XX съездининг, 1957 йилги Декларациянинг хулосаларини асос қилиб олдики, бу хулосаларни марксчи-ленинчи партиялар тўла равишда маъқуллаган эди. Кенгашда қабул қилинган Баёнотда давримизга қўйидаги муфассал таъриф берилган: «Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган, асосий мазмуни капитализмдан социализмга ўтишдан иборат бўлган бизнинг давримиз бир-бирига қарама-қарши турган икки системанинг кураш давридир, социалистик революциялар ва миллий озодлик революциялари давридир, империализм емирилаётган, мустамлакачилик системаси тугатилаётган даврдир, янгидан-янги халқлар социализм йўлига ўтаётган, социализм ва коммунизм бутун дунё миқёсида тантана қилаётган даврдир».

Кенгаш якдиллик билан шундай хулосага келдики, империализмнинг табиати гарчи ўзгармаган бўлса-да, империализм гарчи аввалгидек агрессив бўлиб қолаётган бўлса-да, аммо, у жаҳон воқеаларининг йўналиши ва ривожланишидаги энди илгаригидек ҳал қилувчи роль ўйнашга қодир эмас. Халқаро миқёсдаги кучларнинг нисбати, аввало, жаҳон социалистик системаси мустаҳкамланганлиги натижасида, шунингдек империализмнинг мустамлакачилик системаси жадал емирилиб бораётганлиги натижасида тубдан ўзгарди.

Ҳозирги вақтда ер юзидаги аҳолининг тахминан 35 процента (1 миллиарддан кўпроқ киши) социалистик система мамлакатларида яшамоқда, ер юзидаги аҳолининг 40 процентидан кўпроғи мустамлака қуллигидан қутилган ёки ўз озодлиги учун курашаётган мамлакатларда яшамоқда. Империалистик давлатларда эса ер юзидаги аҳолининг фақат чорак қисми яшамоқда.

Ҳозирги замонда инсоният жамияти тарихий ривожланишининг асосий мазмунини, асосий йўналишини ва асосий хусусиятларини энди империализм эмас, балки жаҳон социалистик системаси жамиятни социалистик негизда қайта қуриш учун империализмга қарши курашаётган кучлар белгилаб бермоқда.

Ҳозирги даврнинг марказида халқаро ишчилар синфи ва унинг забардаст фарзанди — жаҳон социализм системаси турибди. Улар тинчлик, демократия, миллий озодлик, социализм ва инсоният тараққиёти учун курашдаги ғалабаларнинг гаровидир. Шунинг учун ҳам Баёнотда даврнинг таърифи берилганидан кейин, дарҳол жаҳон социалистик системасининг ривожланиши масалалари қараб чиқилади.

Кенгаш бирдан-бир тўғри хулосага келиб айтдики, бизнинг замонимизда **жаҳон социалистик системаси инсоний жамиятнинг ривожлантиришнинг ҳал қилувчи факторига айланмоқда.** Бу қоиданинг жуда катта назарий ва амалий аҳамияти бор. Бу қоида ишчилар синфига, ҳамма мамлакатларнинг халқларига империализмга қарши, тинчлик, миллий, озодлик ва социализм учун курашда янги, ҳар қачонгидан кўра қулайроқ имкониятлар очиб беради.

В. И. Ленининг пролетариат диктатураси миллий қуввдан интернационал кучга, жаҳон тараққиётига тобора қудратлироқ таъсир ўтказаётган кучга айланди, деб олдиндан айтган улуғ фикри амалда рўёбга чиқаётган даврда яшамоқдамиз.

Баёнотда жаҳон социалистик системасининг тарихий муваффақиятлари яқунланди, бу системанинг ривожланишидаги янги босқичга кенг характеристика берилди ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг бу система қувватини янада мустаҳкамлаш ишидаги вазифалари белгилаб берилди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Америка Қўшма Штатлари Президенти Жон Ф. Кеннеди жанобларига

ОҚ УЙ, ВАШИНГТОН

Ҳурматли Президент жанобларига,

Вазифангизга киришувингиз билан Сизни табриклаймиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, бирғалиқда ҳаракат қилиш билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тубдан яхшилашга, бутун халқаро вазиятни соғломлантиришга эришаоламиз, деб умид билдиришни истаймиз. Биз шу нарсага аминмизки, қадамба-қадам бориб, икки ўртадаги гумон ва ишончсизликни бартараф қилиш, халқларимиз ўртасида дўстлик ва амалий ҳамкорлик уруғларини ўстириш мумкин.

Совет ҳукумати эса бу йўлдаги ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашга ва ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун, барча халқларнинг бир-бирларига адоват сақламай дўстликда яшашлари учун, қўлидан келган ҳамма чораларни кўришга тайёрдир.

Н. ХРУШЧЕВ.
СССР Министрлар Совети Раиси.

Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Москва, Кремль.
1961 йил 20 январь.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. ХРУШЧЕВГА

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВГА

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

Менинг Америка Қўшма Штатлари Президенти лавозимига киришувим муносабати билан Сизларнинг лутфан юборган табрикларингиз учун ҳаҳор қилган миннатдорчилигимни қабул қилгайсиз. Мен ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, бутун халқаро вазиятни тубдан яхшилаш юзасидан изҳор қилган умидингизни табриклайман. Бу умидга биз ҳам қўшиламиз. Биз, бутун инсониятнинг тинч ва тағин ҳам бахтли яшашини таъминлаш учун ўзини астойдил бағишлашга тайёр турган кишиларнинг ҳаммаси билан ҳамкорлик қилишга чин кўнгилдан интиламиз. Қўшма Штатлар ҳукумати ва халқи номидан, шунингдек ўз номимдан Сизларни ишонтириб айта оламанки, Қўшма Штатлар ҳукуматининг бутун куч-ғайрати ана шу асосий мақсадга эришишга қаратилади.

Самимий ҳурмат билан
ЖОН Ф. КЕННЕДИ.

Н. С. ХРУШЧЕВ АҚШ элчиси Л. ТОМПСОННИ қабул қилди

21 январда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев АҚШнинг Москвадаги элчиси Л. Томпсонни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Суҳбат вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. Ф. Добринин ҳозир бўлдилар.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқини зўр қизиқиш билан ўқиб, ўргаимоқдалар. Суратда: Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг бош агрономи ўртоқ Мирахмат Қўчқоров колхозчиларга ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқини ўқиб бермоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари кенгашининг якунлари тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1961 йил 18 январда ўртоқ М. А. СУСЛОВ доклади

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Кенгашнинг катта назарий ва амалий хулосаларидан шу қондага эътиборни жалб қилиш керакки, энди фақат СССРдагина эмас, бошқа социалистик мамлакатларда ҳам капитализмни реставрация қилишнинг социал-иқтисодий имкониятлари тугатилди, социалистик мамлакатлар ягона лагерда жипслашганлиги, бу лагернинг маҳкамланиб бораётган бирлиги ва тўхтовсиз ўсаётган куч-қудрати бутун система доирасида социализмнинг тўла ғалабасини таъминлайди.

1957 йилги Кенгашдан кейин ўтган уч йил жаҳон социалистик системаси жуда катта муваффақиятларга эришилганлиги билан нишонланди. Жаҳон социалистик системаси капитализм билан иқтисодий мусобақада янги ютуқларни қўлга киритди, унинг халқаро таъсири кучайди. 1957 йилдан 1959 йилга қадар бўлган давр ичида социалистик мамлакатлар маҳсулотининг ҳажми 37,1 процент кўпайди, капитализм мамлакатлари маҳсулотининг ҳажми эса, атиги 7,4 процент кўпайди, холос. Шу вақт ичида саноат ишлаб чиқариши СССРда 23 процент, АҚШда эса атиги 4,6 процент кўпайди.

Биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб ҳамда жуда қисқа муддат ичида саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг обсолют ҳажми жиҳатидан жаҳон капиталистик системасидан ўзиб кетмоқ, шундан сўнг эса, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан ва турмуш даражаси жиҳатидан энг кўп иқтисодий ривожланган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетмоқ учун социалистик системанинг барча афзалликларидан ва ҳар бир мамлакатнинг ички ресурсларидан тўла фойдаланиш вазифаси Баёнотда коммунистик ва ишчи партияларнинг интернационал вазифаси қилиб қўйилди.

Кенгаш социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларни ҳар бир мамлакат олдида, шунингдек бутун система олдида очилган катта имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланишга йўллади.

Кенгаш материалларида ҳақли равишда кўрсатиб ўтилганидек, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашнинг тинч-тотув яшаши синфий курашдан воз кечишни ва социалистик идеология билан буржуа идеологиясини муроса қилдиришни билдирмайди. Ижтимоий тузумни турлича бўлган давлатларнинг тотув яшаши социализм билан капитализм ўртасидаги синфий кураш формасидирки, бу кураш давомида социализм ўзига хос афзалликлар сабабли муқаррар енгиб чиқади.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш тинч-тотув яшашни мустаҳкамлашга, урушларнинг олдини олишга олиб келадиган реал йўлдир. Баёнотда шу нарса кўрсатиб ўтилганки, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Совет Иттифоқи таклиф қилган программани амалга ошириш инсоният тақдири учун тарихий аҳамиятга эга бўлур эди. Бу программани амалга оширишга эришиш уруш олиб бориш имкониятининг ўзини тугатиш демакдир. Кенгаш коммунистларнинг, барча тинчликсевар кишиларнинг эътиборини шу нарсага жалб қилдики, ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини фақат кескин ва актив курош олиб бориш йўли билангина амалга ошириш мумкин. Кенгаш шу курашни кучайтиришга чақиради.

III.

Кенгаш **миллий озодлик ҳаракатининг бундан буёнги йўллари ва истиқболлари** масаласини ишлаб чиқиш билан жаҳон озодлик ҳаракатининг назариясига ва практикасига катта ҳисса қўшди. Баёнот миллий озодлик ҳаракатининг жуда зўр ғалабаларига жаҳон социализм системаси барпо бўлганидан кейин, ўзининг тарихий аҳамияти жиҳатидан иккинчи зўр воқеадир, деб тўғри баҳо берди.

Осиё, Африка ва Латин Америкасида зўр куч билан авж олиб кетган миллий озодлик ҳаракати тарихий ғалабаларга эришди. Шу дамгача бир ярим миллиардга яқин киши мустамлака қуллигидан қутулди. Империализмнинг бутун мустамлакачилик системаси барбод бўлмоқда. Собиқ мустамлака мамлакатларнинг халқлари энди мустақил тарихий ижодкорликка кўтарилдилар ва ўз тақдирларини ўзлари белгиладилар. Ўзларининг сиёсий иқтисодий ривожланишларининг зарур вазифаларини ҳал қилиш имкониятига эгадирлар.

Миллий озодлик ҳаракати ишчилар синфининг социализм учун кураши билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланмоқда. Улуғ Октябрь социалистик революцияси, жаҳон социализмининг кучлари бу ҳаракатнинг ғалабаларига ҳал қилувчи ёрдам берди. Осиё, Африка, Латин Америкасидаги воқеаларнинг бутун бориши Совет Иттифоқи ва умуман жаҳон социалистик системаси халқларнинг мустақил миллий ривожланишига таянч бўлиб қолганлигини кўрсатиб турибди.

Социалистик лагернинг халқаро роли тобора кучайиб бораётган, империалистик мамлакатлар да пролетариатнинг синфий кураши авж олаётган ва халқларнинг қудратли миллий озодлик ҳаракати кенгайиб кетган ҳозирги вақтда ҳамма формалардаги ва кўринишлардаги мустамлакачиликни буткул тугатиш пайти келди. Кенгаш шу муҳим хулосага келиш билан бирга, шуни кўрсатиб ўтдики, мустамлакаларнинг ва қарам мамлакатларнинг халқлари империализмга қарши кескин курош олиб бориш, социалистик мамлакатларнинг улуғ ҳамкорлиги ва бутун дунёнинг революцион кучлари билан бирдамликни мустаҳкамлай бериш йўли билангина давлат мустақиллигига эриша оладилар ва мустақил экономика вужудга келтира оладилар.

Кенгаш социалистик мамлакатлар ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг миллий-озодлик ҳаракати билан бирдамлигини зўр куч билан ифодалаб берди. Бу ҳаракатни ҳамиша қувватлаб келган Совет Иттифоқи халқари мустамлакачилик асоратидан қутулиш учун, миллий жиҳатдан рўёбга чиқиш учун курашаётган халқларни маънавий ва моддий жиҳатдан ҳар томонлама қувватлашни ўзларининг интернационал бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Кенгаш яқиндагина мустамлакачиликдан қутулган мамлакатларни ривожлантириш проблемалари га катта эътибор берди. Кенгаш шу нарсани кўрсатиб ўтдики, шу мамлакатларда миллий тикланишнинг энг зарур вазифалари империализмга ва феодализм сарқитларига қарши кескин кураш олиб борган тақдирдагина, миллатнинг барча ватанпарвар кучларини битта миллий демократик фронт қилиб бирлаштириш йўли билан муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин. Миллий мустақилликни қўлга олиш ва ҳимоя қилиш, чуқур демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва социал тараққиётни таъминлаш ишига энг муҳим куч—ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи миллий фронтининг негизи бўлиши лозим.

Кенгашнинг хулосалари мустамлака мамлакатларнинг ҳамма халқларига эркин мустақил ривожланиш йўлини ёритиб бермоқда. Империалистик мустамлакачилардан тозаланган заминда янги типдаги давлат — миллий демократиянинг мустақил давлатнинг барпо қилиш мумкинлиги ва зарурлиги тўғрисидаги қондани айниқса уқтириб кўрсатиш керак. Бу янги типдаги давлат прогрессив кучларнинг жанговар активлигига таяниб, собиқ мустамлака мамлакатлар учун ривожланишнинг капиталистик йўлига ўтиш формаси бўлиб қолиши мумкин.

IV.

Кенгаш **ривожланган капиталистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчилар ҳаракати масалаларига** ҳам жуда катта эътибор берди.

Шу мамлакатларда 160 миллион ишчи ва хизматчи яшамоқда, булар бутун ноосоциалистик дунёдаги ишчи ва хизматчиларнинг камида 3/5 қисмини ташкил қилади. Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи жуда катта кучдир.

Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатининг йўлида жуда кўп катта ва жиддий қийинчиликлар турибди. Бироқ, бу мамлакатларда ҳам революция кучлари, коммунизм кучлари кўпаймоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Буни Францияда оммаиий зўр антифашистик чиқишлари, АҚШ, Япония, Бельгияда, Латин Америкаси мамлакатларида, Ҳиндистонда ва бошқа мамлакатларда ишчилар синфининг кучли заҳоатобка жанглари, Англияда урушга қарши ҳаракатнинг актив юксалганлиги ва, ниҳоят, кейинги муниципал сайловларда итальян коммунистларининг эришган катта ғалабаси сингари кейинги вақтларда рўй берган фактлар кўрсатиб турибди.

Кенгаш ривожланган капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи курашининг бундан буёнги янги истиқболларини кўрсатиб берди. Кенгаш шуни қайд қилдики, тарих умумий кризисининг янги босқичига кирган капиталистик системанинг тугатилишига томон шафқатсиз изчиллик билан ҳаракат қилмоқда. Бу янги босқич жаҳон уруши сабабли пайдо бўлмасдан, балки икки системанинг мусобақаси ва кураши вазиятида, кучларнинг нисбати социализм фойдасига тобора кўпроқ ўзгараётган, империализмнинг барча зиддиятлари ниҳоят даражада кескинлашган вазиятда, тинч-тотув яшаш шароитида ва кенг халқ оммасининг демократия, миллий озодлик ва социализм учун кураши юксалган вазиятда пайдо бўлганлиги капиталистик мамлакатлардаги революцион кучларга янги руҳлантирувчи истиқболлар очиб бермоқда.

Марксизм-ленинизм таълим бериб айтганидек, асосий зарба бериладиган жойни тўғри белгилаш ҳаракатимизнинг муваффақияти учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳозирги замон шароитида, деб таъкидланади Баёнотда, асосий зарбани зўр бериб қуролланишнинг бош айбдорлари, реакция ва агрессиянинг таянчи бўлган капиталистик монополияларга қарши, уларни қўриқлаб турган бутун давлат-монополистик капитал системасига қарши тобора кескинлик билан қаратмоқ керак.

Монополистик олигархиянинг манфаатлари аҳоли катта кўпчилигининг манфаатлари билан асло муросага келмайди. Бу ҳол монополистик олигархияга қарама-қарши бўлиб турган барча қучларни жипслаштириш учун, монополияларга қарши кенг фронт вужудга келтириш учун қулай имкониятлар туғдирмоқда. Коммунистлар кучларни мана шундай жипслаштириш жараёнида, тинчлик учун, демократик ўзгаришларни вужудга келтириш, оммаиий иқтисодий ва сиёсий талабларини қондириш учун, монополиялар ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун кураш давомида ўзларининг меҳнаткашлар билан алоқаларини мустаҳкамламоқдалар, меҳнаткашларнинг сиёсий онглилик даражасини оширмоқдалар, оммани социалистик революция зарурлигини англаш даражасига етказмоқдалар.

Капиталистик мамлакатлардаги социалистик революциянинг йўллари масаласига коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг Баёнотида катта ўрин берилган.

Социализмга ўтиш формалари масаласи капиталистик мамлакатлардаги қардош партиялар учун гоят муҳим масаладир. Янгиданянги мамлакатлар капитализмдан социализмга ўтиш тайёрланмоқда. Бу ўтишни амалга ошириш тарихининг етилган вазифасидир.

1957 йилги Декларациянинг турли мамлакатларнинг капитализмдан социализмга ўтиш формалари масаласидаги қоидалари Баёнотда яна бир марта таъкидланади. Марксчи-ленинчилар шунга асосланадиларки, социалистик революциями тинч йўл билан амалга ошириш ишчилар синфининг ва бутун халқнинг манфаатларига, умум-миллий манфаатларга мос бўлиб тушади. Лекин ҳукмрон синфлар революцияга зўравонлик билан жавоб берсалар ва халқнинг ирода сиз бўйсунишни истамасалар, пролетариат уларнинг қаршилигини синдириши лозим. Агар буржуазия қуролни ишга солса, у ҳолда пролетариат синфий курашнинг энг кескин формаларини қўлланишдан қайтмайди. Социалистик революция ҳар бир мамлакатдаги ички ривожланишнинг, социал зиддиятлар гоят кескинлашганлигининг натижасидир. Ҳар бир айрим мамлакатда у ёки бу усулла социализмга ўтишнинг реал имконияти — тинч усул билан ёки нотинч усул билан ўтиш имконияти — конкрет тарихий шароитга қараб белгиланади. Социализмга ўтишнинг ҳамма формаларида ва ҳамма ҳолларда коммунистик авангард бошчилигидаги ишчилар синфининг сиёсий раҳбарлиги ҳал қилувчи шарт бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Баёнотда эълон қилинган тезисининг, яъни коммунистик партиялар марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб, **революцияни экспорт қилишга қарши чиқишин муттасил давом эттириб, империалистларнинг контрреволюцияни экспорт қилишларига қарши кескин курашдилар** ва ҳамма мамлакатларнинг халқларини революцияга қўзғалган ҳар бир мамлакат халқининг ишларига империалистларнинг аралашувига жаҳон социалистик системасининг қудратига таяниб турибийўл қўймаслик ёки бу аралашувга кескин зарба бермоқ учун ўзларининг бутун ички кучларини сафарбар қилишга ва актив ҳаракат қилишга чақиришни коммунистик партиялар ўзларининг интернационал бурчлари деб ҳисоблайдилар, деган тезиснинг катта сиёсий аҳамиятини ҳам қайд қилиб ўтиш зарур.

V.

Кенгаш **жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнига алоҳида** эътибор берди.

Кенгаш шуни эътироф қилдики, коммунистик партиялар партия турмушининг ленинча нормаларига оғишмай риоя қилишлари, партия бирлигини кўз қорачиғидек сақлашлари, партия демократияси ва раҳбарликнинг коллективлиги принципига қаттиқ риоя қилишлари, меҳнаткашлар кенг оммаси билан ўз алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишлари, коммунистларнинг ижодкорлигини ва ташаббускорлигини ривожлантиришни бўғиб қўювчи шахсга сиғинишга йўл қўймасликлари, ўз сафларида танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантиришлари лозим.

Кенгаш коммунистик партияларнинг идеология фронтидаги курашига катта аҳамият берди. Коммунистик партиялар буржуа идеологиясининг ҳар қандай формаларига, миллатчиликка ва шовинизмга, антикосмизмга қарши, марксизм-ленинизм идеологиясининг тантанаси учун курашни бундан буён ҳам бутун куч билан давом эттира берадилар.

Кенгаш марксчи-ленинчи партияларнинг икки фронтдаги курраши — асосий хавф бўлган ревизионизмга, ўнг оппортунизмга қарши ҳамда догматизмга ва сектантликка қарши кураши мурожаатлигини уқтириб ўтди. Догматизм билан ревизионизм сиртдан қараганда бир-бирига қарама-қарши бўлиб кўринади. Ҳақиқатда эса, улар бир-бирларини озиқлантириб келдилар ва озиқлантирмоқдалар ва фақат бир партиягагина эмас, шу билан бирга, бутун халқаро коммунистик ҳаракат ишига ҳам баб-баравар оғир зарар етказишлари мумкин. Шу сабабли, икки фронтда кураш турмушнинг ўзи қўйган талабдир. Коммунистик партияларнинг тўғри, изчил революцион сиёсати ҳам ревизионизмга қарши, ҳам догматизмга ва сектантликка қарши курашда вужудга келмоқда ва ишлаб чиқилмоқда.

Халқаро коммунистик ҳаракат, империалистик реакция ташкил қилаётган ҳамма тўсқинликларга қарамай, зафарли ривожланмоқда ва эндилиқда замонимизнинг энг нуфузли сиёсий кучига айланди. Ҳозир коммунистик партиялар 87 мамлакатда мавжуддирлар ва улар ўз сафларида 36 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштириб турибдилар.

Жаҳондаги барча қардош партиялар ўртасидаги алоқалар борган сари доимий, хилма-хил ва самарали алоқалар бўлиб қолмоқда. Бу алоқалар бундан буён ҳам мустаҳкамлана борши лозим. Империалистик реакция коммунизмга қарши кураш учун ўз кучларини бирлаштираётган шароитда, жаҳон коммунистик ҳаракатини ҳар томонлама жипслаштириш айниқса зарур. Бирлик ва жипслик ҳаракатимизнинг бир кучига ўн куч қўшали. Шу сабабли, марксчи-ленинчи партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принциплари ва айниқса улар ўртасидаги бирликни ва жипсликни мустаҳкамлаш принциплари Кенгашда ишлаб чиқилганлиги жуда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Кенгаш шуни яққол кўрсатиб ўтдики, коммунистик ҳаракатнинг манфаатлари империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг умумий вазифалари тўғрисида қардош партияларнинг ўз кенгашларидз биргаликда ишлаб чиққан хулосаларга ва берилган баҳоларга ҳар бир коммунистик партиянинг бирдамлик билан риоя қилишини талаб этади. Марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини қатъий ҳимоя қилиш, бу бирликка путур етказиши мумкин бўлган ҳеч бир ҳаракатга йўл қўймаслик миллий мустақиллик, демократия ва тинчлик учун, социалистик революция ,социализм ва коммунизм қуриш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун курашдаги ғалабанинг мутлақо зарур шартидир. Шу принципларни бузиш коммунизм кучларини заифлаштирган бўлур эди. Ҳар бир мамлакатда ишчилар синфи ишининг муваффақияти барча марксчи-ленинчи партияларнинг интернационал бирдамлигини талаб қилади. Халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини доимо мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳар бир марксчи-ленинчи партиянинг олий интернационал бурчидир.

VI.

Коммунистик ва ишчи партиллар вакилларининг Москвадаги ноябрь Кенгаши халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг туб масалаларини ишчанлик билан муҳокама қилиш белгиси остида ўтди. Кенгашда қабул қилинган ҳужжатларда — Баёнотда ва бутун дунё халқларига Мурожаатда ўз ифодасини топган принципиал масалаларни ишлаб чиқишга коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг ҳаммаси ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Кенгашнинг асосий якуни шундаки, Кенгаш ишлаб чиққан ва якдиллик билан қабул қилган Баёнот ва бутун дунё халқларига Мурожаат халқаро коммунистик ҳаракатнинг жуда катта ғоявий ва сиёсий ғалабасидан нишонадир.

Жаҳон коммунистик ҳаракатининг марксизм-ленинизм асосида ғоявий ва сиёсий жиҳатдан янада жипслаштирилганлиги тарихий аҳамиятга эга бўлиб қолади. Баёнот — барча марксчи-ленинчи партиялар учун тўғри компасдир. Шу компаса эга бўлган қардош партиялар ўзларининг улуғ ишлари учун курашни тағин ҳам кўпроқ муваффақият билан олиб борадилар. КПСС ҳозирги жаҳон тараққиётининг масалаларига доир Кенгашида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган хулосаларга ва шу масалаларга берилган баҳоларга ўтмишда қаттиқ риоя қилиб келди ва келгусида ҳам риоя қила беради. марксизм-ленинизм принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қила беради ва икки фронтда: ревизионизмга ва догматизмга қарши муросасиз кураш олиб борa беради.

Кенгашнинг яна бир жуда муҳим якуни шуки, у, ленинча ташкилий принципларни халқаро коммунистик ҳаракатда тағин ҳам аниқроқ қилиб мустаҳкамлади. Коммунистик партиялар халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини ҳимоя қилиш тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатдилар, қардош партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг нормаларини белгилаб қўйдилар. Бу принциплар ва нормалар ленинча нормаларга тўла равишда мувофиқдир, КПСС ўзининг интернационал алоқаларида шу принципларга ва нормаларга оғишмай амал қилиб келмоқда. Партиямиз халқаро коммунистик ҳаракатнинг ирода ва ҳаракатларининг бирлигига бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклаша беради.

Кенгаш шу нарсани яна бир марта таъкидлаб ўтдики халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва жипслигига вақтинча, ўткинчи мулоҳазалар эмас, балки партияларимиз ва ҳақларимизнинг туб, ҳаётий манфаатлари, марксизм-ленинизмнинг улуғ принциплари асос бўлмоқда.

Кенгаш Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Хитой Коммунистик партияси ўртасидаги қардошларча дўстликни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади. Халқаро коммунистик ҳаракатдаги энг йирик партиялар бўлган ҳар иккала партиямизнинг жипслиги умумий ишимизнинг тантанаси учун курашда гоят катта аҳамиятга эгадир. Никита Сергеевич Хрушчев айтиб ўтганидек, «бизнинг партиямиз бу улуғ дўстликни мустаҳкамлаб учун ҳамиша ҳар томонлама куч ва ғайрат сарфлаб келди ва сарфлай беради. Халқ Хитойи билан, барча мамлакатларнинг коммунистлари билан бўлгани каби, Хитой коммунистлари билан ҳам бизларнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса — тинчликни таъминлаш ва коммунизм қуришдир, меҳнат аҳлларининг бахти — саодати ҳаммамизнинг манфаатимиздир, марксизм-ленинизм ҳаммамизнинг принципиал мустаҳкам негизимиздир».

Ўртоқлар! Кенгаш ўз ишини тамомлагандан бери бир ярим ой вақт ўтди. Кўп мамлакатларда коммунистик ва ишчи партиялар Марказий Комитетларининг пленумлари бўлиб ўтди. Партия ташкилотларида партия активларининг йиғилишлари ва мажлислар ўтказилмоқда. Кенгаш ҳужжатлари матбуотда кенг ва батафсил ёритилмоқда. Қардош партиялар Кенгашнинг муваффақиятини қизғин табриклямоқдалар. Баёнотни ва бутун дунё халқларига Мурожаатни тўла равишда маъқулламоқдалар ва қувватлямоқдалар, шу ҳужжатлар асосида амалий хулосалар чиқармоқдалар Улар ўз қарорларида, Кенгашда қабул қилинган Баёнот коммунистик ва ишчи партияларга тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва коммунизм ишининг ғалабаси учун курашда жуда катта истиқболлар очиб бераётганлигини таъкидламоқдалар.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунлари бутун дунёда, аҳолининг ҳамма табақалари орасида кенг муҳокама қилинмоқда.

Бутун дунё коммунистлари Кенгаш ҳужжатларини жуда зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Кенгашнинг якунларини ва унинг ҳужжатларини ҳамма мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун дунёдаги прогрессив кишилар қизғин табриклямоқдалар. Улар коммунистларни ўз фикрлари ва умидларини ифодаловчи кишилар деб билмоқдалар, тинчликни, социал тараққиётни ва коммунизмни биринчи даражали

Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларига сайлов ўтказадиган сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қарори

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 35, 36, 43 ва 44-моддаларига мувофиқ Тошкент область ижроия комитети **қарор қилади:**

Район ва шаҳар сайлов комиссиялари меҳнаткашлар жамият ташкилотлари ва жамиятлари вакилларининг состави қуйидагича тасдиқлансин:

1. ОҚҚУРҒОН РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Владимир Васильевич **Худяк** — 11-ўрта мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Леонид Григорьевич **Бобин** — «Оққўрғон» пахтачилик совхози касаба союз ташкилотидан.

Комиссия секретари Надежда Алексеевна **Ногай** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Шавкат **Қосимов** — район медицина ходимлари касаба союз ташкилотидан.

Турсуной **Қуролова** — Ленин номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Шуша **Безгенова** — «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзолари йиғилишидан.

Пелагея Александровна **Овчинникова** — ёғ заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

2. ОҲАНГАРОН РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Акром **Аъзамов** — «Оҳангарон ҳақиқати» газета редакцияси ва босмахонаси ходимлари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Сергей Петрович **Тарновский** — цемент комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Комиссия секретари Хайри **Муҳитдинова** — участка касалхонаси ходимлари йиғилишидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Раиса Константиновна **Котлярова** — 1-«Оҳангарон» совхози коммунистик партия ташкилотидан.

Сафарали **Рисқулов** — 1-«Оҳангарон» совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Илёс **Ахроров** — Оҳангарон посёлкаси аҳолиси йиғилишидан.

Шакар **Содирова** — Тошкент наслчилик совхозининг ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

3. БЕКОБОД РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Зиёд Қориевич **Қориев** — район матлубот жамияти ходимлари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Александра Афанасьевна **Лопатко** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Комиссия секретари Вера Ивановна **Балашова** — район ижроия комитети ходимларининг йиғилишидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Усан **Ембоев** — «Победа» колхози аъзоларининг йиғилишидан.

Мамат **Миербеков** — район медицина ходимларининг йиғилишидан.

Тўйчибой **Йўлдошев** — Дзержинский номли колхоз аъзоларининг йиғилишидан.

Комил **Бобоев** — 2-«Далварзин» совхози коммунистик партия ташкилотидан.

Баҳри **Ғоипова** — Навоий номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Онахон **Сотиболдиева** — Дзержинский номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

4. БЎСТОНЛИҚ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Николай Яковлевич **Компанеец** — консерва заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Асолат **Ҳасанова** — ёғ заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Тамара Васильевна **Манерова** — давлат муассасалари ходимлари район касаба союз комитетидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Александр Алексеевич **Корольков** — ойна заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Надежда Федоровна **Коновалова** — консерва заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Рива Львовна **Гинзбург** — санитария-даволаш бирлашмаси касаба союз ташкилотидан.

Нисонқул **Мамбетов** — Фрунзе номли колхоз аъзоларининг йиғилишидан.

Шер **Ашуров** — «Чирчиқ» колхози аъзоларининг йиғилишидан.

Клавдия Власовна **Середа** — район ижроия комитети Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

5. БУКА РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Икром **Жўраев** — район халқ маорифи бўлими коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Ойсара **Жўраева** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Комиссия секретари Клавдия Петровна **Сайкина** — район молия-банк ходимлари коммунистик партия ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Сахобат **Хожибекова** — Вильямс номли колхоз аъзоларининг йиғилишидан.

Валентина Федоровна **Назаркина** — район медицина ходимлари касаба союз ташкилотидан.

Саодат **Гулаҳмедова** — Охунбобоев номли колхоз коммунистик партия ташкилотидан.

Арслон **Нурматов** — «Ленин йўли» колхози аъзоларининг йиғилишидан.

Ирина Ахатовна **Назарова** — район алоқа ходимлари касаба союз ташкилотидан.

Мария Яковлевна **Горлова** — «Бўка» совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

6. ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Раҳим **Довутбеков** — «Алга» ва «Суръат» газета редакциялари ва босмахоналари ходимларининг касаба союз ташкилотлари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Екатерина Тимофеевна **Дубовик** — Янгибозор каноп-жут заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Пўлат **Асилбеков** — район халқ маорифи бўлими ходимлари йиғилишидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Владимир Васильевич **Голованов** — 2-тикувчилик фабрикаси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Иван Георгиевич **Суликов** — 1-РТС ва автобаза ишчи ҳамда хизматчилари йиғилишидан.

Сарвар **Мўлдахонова** — «Ленинизм» колхози аъзолари йиғилишидан.

Багира **Аҳмедова** — 10-мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Раиса **Пан** — «Ўзбекистон» колхози аъзолари йиғилишидан.

Хурсанали **Обидов** — «III Интернационал» колхози коммунистик партия ташкилотидан.

7. ГУЛИСТОН РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Ҳамза Хоназарович **Дониёров** — район ижроия комитети коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Михаил Васильевич **Попов** — ремонт-механика заводи ишчилари ва хизматчилари йиғилишидан.

Комиссия секретари Татьяна Петровна **Трушина** — район матлубот союзи касаба союз ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Константин Сергеевич **Коханский** — пахта тозалаш заводи касаба союз ташкилотидан.

Қурбонжон **Ҳасанова** — «Ленинград» колхози аъзолари йиғилишидан.

Каромат **Қурбоналиева** — «Красная заря» колхози аъзоларининг йиғилишидан.

Алиқул **Ғоипов** — «Мирзачўл» пахтачилик совхози Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Бойзоқ **Эсергапов** — «Социализм» совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Светлана Семеновна **Серикова** — пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

8. ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Нина Алексеевна **Шаталина** — ремонт-техника станцияси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Қодир **Муродов** — район матлубот союзи ходимлари йиғилишидан.

Комиссия секретари Шерпўлат **Тасполтаев** — район молия-банка ходимлари касаба союз ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Тамара Николаевна **Мамина** — Герцен номли мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Алексей **Ем** — Энгельс номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Валентина Ивановна **Гальцева** — Марказий механика устахонаси касаба союз ташкилотидан.

Нисонқул **Ҳасанов** — «Ленинград» колхози аъзолари йиғилишидан.

Каромат **Қурбонов** — «Красная заря» колхози аъзоларининг йиғилишидан.

Ерқин **Ҳамроев** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Ҳожиакбар **Ҳамроев** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Ҳожиакбар **Ҳамроев** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Ҳожиакбар **Ҳамроев** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

9. ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Муҳаммаджон **Султонов** — ремонт-механика заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Наби Бобоевич **Каримов** — ҳисоб-бухгалтерия техникуми коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Елизавета Михайловна **Полтавченко** — Луб институти коммунистик партия ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Александр Николаевич **Манков** — «Ташавтомаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Анна Матвеевна **Долгова** — 5-мебель фабрикаси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Насиба **Лутфуллаева** — «Сталинград» колхози аъзолари йиғилишидан.

Султон **Комилов** — 1-богдорчилик виночилик совхози коммунистик партия ташкилотидан.

Хатира **Яхшибоева** — тикув фабрикаси коммунистик партия ташкилотидан.

Нурмат **Раҳматов** — Хрушчев номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

10. ПИСКЕНТ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Маҳмуд **Қосимов** — «Пискент» пахтачилик совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Николай Иванович **Вавакин** — район ҳарбий комиссариати офицерлари ва ихтиёрий ёлланма состави йиғилишидан.

Комиссия секретари Мариям **Мингалиева** — даволаш-санитария бирлашмаси касаба союз ташкилоти йиғилишидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Александр Иванович **Архипкин** — «Пискент» пахтачилик совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Саъди **Исақулова** — «Гулистон» колхози аъзолари йиғилишидан.

Йўлдош **Икромов** — Хрушчев номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Каромат **Ҳошимова** — Тельман номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Исроил **Темирхонов** — ремонт-қурилиш конторасы ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Степан Ефимович **Бруславский** — «Пискент» пахтачилик совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

11. ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Эргаш **Тўраев** — давлат муассасалари ходимлари район касаба союз комитетидан.

Раис ўринбосари Иннокентий Николаевич **Ким** — район партия комитети коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Раҳим **Эргашев** — колхоз бозори ходимлари йиғилишидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Мария Ивановна **Герасименко** — тикув-галантерея фабрикаси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Марям **Раҳимова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Асан Байрамович **Урпинаев** — «Горняк» совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Мурод **Қулменов** — Куйбишев номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Мария Васильевна **Максименко** — комбинат касаба союз ташкилоти йиғилишидан.

Низом **Сардоров** — Энгельс номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

12. СИРДАРЁ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Малика **Ҳайдарова** — район коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Саттихон **Ҳамрабоева** — Куйбишев номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Комиссия секретари Василий Семёнович **Макеев** — нефть базаси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Марям **Раҳимова** — Ленин номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Малик **Ғафуров** — Ленин номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Анастасия Ефимовна **Волина** — «Малик» тажриба хўжалиги касаба союз ташкилоти йиғилишидан.

Сувхон **Шакаров** — «Малик» совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Александр Васильевич **Зерюкин** — машина-экскаватор станцияси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Татьяна Павловна **Зимина** — 1-мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

13. ЧИНОЗ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Усмон Галиаскарович **Халфин** — район молия-банк ходимлари коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Муҳтабар **Аҳмедова** — «XXI партсъезд» колхози аъзолари йиғилишидан.

Комиссия секретари Иброҳим Салохиддинович **Хамбиков** — давлат муассасалари ходимлари район касаба союз комитетидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Гулсора Мирахмедовна **Рўзматова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи район ташкилотидан.

Яхшибой **Ҳошимов** — 4-наслчилик совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Чинпўлат **Жўраев** — «Қизил Октябрь» колхози аъзолари йиғилишидан.

Каромат **Абдураҳмонова** — Сталин номли колхоз аъзолари йиғилишидан.

Сотиболди **Йўлдошев** — Чиноз РТСи ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Вера Николаевна **Хван** — район медицина ходимлари касаба союз ташкилотидан.

14. ЯНГИЙЎЛ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Василий Павлович **Еремеев** — район ижроия комитети коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Турдали **Улуғов** — район ижроия комитети касаба союз ташкилотидан.

Комиссия секретари Зинаида Николаевна **Сиденко** — район партия комитети коммунистик партия ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Гулшод Ориповна **Балич** — шаҳар социал таъминот бўлими касаба союз ташкилотидан.

Омонбой **Утепов** — «Коммунизм» колхози аъзоларининг йиғилишидан.

Анна Ефимовна **Паркина** — «Кирда» уруғчилик хўжалиги ишчи ва хизматчиларининг умумий йиғилишидан.

Миркамол **Толипов** — Ленин номли колхоз Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Мубор **Урмонбекова** — «XIX партсъезд» колхози аъзолари йиғилишидан.

Изет **Муждабоев** — машина-йўл станцияси ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

15. ОЛМАЛИҚ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Давлат Исматуллаевич **Қозоқов** — шаҳар ҳарбий комиссарлиги коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Боту Зарипович **Қодиров** — Олтин топган комбинати касаба союз ташкилотидан.

Комиссия секретари Анна Васильевна **Хен** — Олтин топган комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Муҳайё Абдуллаевна **Николаева** — шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Аниса Нагимовна **Гадиева** — шаҳар ижроия комитети коммунистик партия ташкилотидан.

Евгения Михайловна **Каратаева** — шаҳар босмахонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Иван Михайлович **Решетников** — 1-қурилиш бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Зайнаб Зариповна **Тухватуллина** — темир-бетон буюмлари заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Димитрий Павлович **Селихов** — Қўрғошинкон кони касаба союз ташкилотидан.

16. ОҲАНГАРОН ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Андрей Дмитриевич **Лебедьков** — «Ўзбекуголь» комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Вали Муҳамедович **Муҳамедов** — шаҳар партия комитети коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Лира Саидовна **Усмонова** — шаҳар Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Лидия Дмитриевна **Пряхина** — 9-мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Иван Дмитриевич **Братерский** — 9-шахта коммунистик партия ташкилотидан.

Ефросинья Федоровна **Шепилова** — юк ортиш-транспорт бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Георгий Михайлович **Бондаренко** — «Ангренторг» ходимлари йиғилишидан.

Орзи **Мавлудова** — «Ўзбекуголь» комбинати уй-жой коммунал бўлими ходимлари йиғилишидан.

София Иосифовна **Трошина** — 29-автобаза ходимлари йиғилишидан.

17. БЕКОБОД ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Фозилбек Нуъмонович **Нурғалиев** — Ўзбекистон металлургия заводи бошқармаси инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Эгамназар **Хатамов** — шаҳар газета редакцияси ва босмахонаси ходимлари йиғилишидан.

Комиссия секретари Наталья Николаевна **Паршина** — давлат банкаси шаҳар конторасы ходимларининг йиғилишидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Норали **Норматов** — 704-УНР ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Иван Михайлович **Паршин** — цемент заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Саид **Нуритдинов** — Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг касаба союз ташкилотидан.

Қурбон **Саримсоқов** — «Беговат-цемремонт» корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Баҳмал **Худоёрова** — 3-мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Клавдия Георгиевна **Зимина** — Ўзбекистон металлургия заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Ислом **Остонқулов** — пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Шамси **Ҳамдамова** — шаҳар газета редакцияси ва босмахонаси ходимларининг йиғилишидан.

18. ЧИРЧИҚ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Карим Маёқубович Маёқубов — 2-мактаб коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Саттор Ғафурович **Ёқубов** — шаҳар партия комитети коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Тамара Варламовна **Кабаладзе** — давлат муассасалари ходимлари шаҳар касаба союз комитетидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Светлана Кузьминична **Шумилова** — 1-тўқимачилик-тикув фабрикаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Ақида Валиевна **Вахобова** — пойафзал фабрикаси ишчилари; инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Нина Григорьевна **Гречко** — марказий завод лабораторияси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Александра Алексеевна **Тютина** — тикув фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Сергей Филиппович **Сиромятников** — «Ўзбекхиммаш» заводи 1-цехининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Радина Галяутдиновна **Уразаева** — 225-УНР ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Николай Тимофеевич **Кобизов** — танка билим юрти коммунистик партия ташкилотидан.

Абил **Турсунбоев** — «Чирчиксельмаш» заводи коммунистик партия ташкилотидан

19. ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлоь комиссиясининг раиси Виктор Андреевич **Душин** — гидролиз заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Екатерина Ивановна **Егорова** — пойафзал фабрикаси коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Нина Демьяновна **Михова** — бозор дирекцияси коммунистик партия ташкилотидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Валентина Ивановна **Соловьева** — шаҳар ижроия комитети касаба союз ташкилотидан.

Эскандер **Жетере** — гўшт комбинати ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Феруза **Латипова** — 8-гишт заводлари бошқармаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Нишонали **Азимбоев** — пахта тозалаш заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Мустафо **Жонқобилов** — Ёғ-мой комбинати Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Николай Андреевич **Куликов** — пойафзал фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

20. ЯНГИЕР ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Василий Тимофеевич **Рогачев** — «Голодностепгэсстрой» коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари Тошпўлат **Мирзақобилов** — шаҳар молия-банк ходимлари касаба союзи ташкилоти йиғилишидан.

Комиссия секретари Софья Бенционовна **Котляревская** — мактаб-интернат ўқитувчилари йиғилишидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Алексей Тимофеевич **Вовняков** — Тошкент темир йўли Урсатьевск бўлими касаба союз ташкилотидан.

Екатерина Геннадьевна **Тихомирова** — шаҳар Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Мария Антоновна **Уральская** — паровоз депоси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Сайфулла **Насруллаев** — «Ховос» совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Софья Павловна **Пахомова** — «Главголодностепстрой» бошқармаси инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Вали **Болтаев** — «Дружба» пахтачилик совхози ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Нинель Григорьевна **Боброва** — «Главголодностепстрой» моддий-техника таъминоти бошқармасининг ишчи ва хизматчилари йиғилишидан.

Мария Радионовна **Баурова** — заготзерно базаси ишчилари ва хизматчилари йиғилишидан.

21. ЯНГИОБОД ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Пётр Иосифович **Шапиро** — саноат корхоналари ишчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари Евгений Владимирович **Алексеев** — саноат корхоналари коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Наталья Николаевна **Чаплигина** — шаҳар халқ маорифи бўлими ходимларининг йиғилишидан.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Ида Мусалимовна **Шаймуҳамедова** — қурилиш монтаж бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Александра Трофимовна **Карташева** — Ленинчи коммунистик Ёшлар Союзи 5-қурилиш монтаж ташкилотидан.

Юрий Григорьевич **Токарчук** — Ленинчи коммунистик ёшлар сюзи шаҳар ёшлари ташкилотидан.

Михаил Егорович **Помогаев** — саноат корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Эргаш **Ражаматов** — Красногорск посёлкаси халқ маорифи ходимлари йиғилишидан.

Валентина Афанасьевна **Гончарова** — саноат корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси
Ҳ. ЖАЛИЛОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
Ҳ. ҚОБИЛОВ.

1961 йил, 21 январь.
Тошкент шаҳри.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССРда яшовчи кўп болали оналарга „Қаҳрамон она“ деган фахрий ном бериш тўғрисида

Ўн ва ундан ҳам кўп бола туғиб тарбиялаган қуйидаги оналарга «Қаҳрамон она» деган фахрий ном берилсин ва уларга **«Қаҳрамон она»** ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

1. **Абдуллаева** Розия — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозида ий-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
2. **Абдураҳмонова** Меҳманбу — Янгийўл районидаги Халқобод қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
3. **Одилова** Хадича — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
4. **Ашурматова** Ойнисо — Оҳангарон шаҳридаги «Облиқ» совхозининг ишчиси.
5. **Бойботирова** Ойимсоат — Олмалиқ шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
6. **Бўриева** Холида — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
7. **Жамолова** Марҳамат — Бўстонлиқ районидаги Искандар поселкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
8. **Исоматова** Ҳикой — Оржоникидзе районидаги Михайловское қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
9. **Исмоилова** Зулайхо — Чиноз районидаги Яллама қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
10. **Эшматова** Мубор — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
11. **Комилова** Рихси — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
12. **Қосимова** Хумайра — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
13. **Ли** Александра — Янгийўл шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
14. **Мақсудова** Нури — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
15. **Мирзахмедова** Хоним — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
16. **Мирзаева** Башор — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
17. **Мўминова** Мэнзура — Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
18. **Мун** Елена — Қуйи Чирчиқ районидаги Гилдиев қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
19. **Муҳитдинова** Нури — Янгийўл районидаги Занги ота қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
20. **Набиева** Назми — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
21. **Нурмуҳаммедова** Турсуной — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
22. **Пўлатова** Мукар — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
23. **Раҳимова** Анор — Оҳангарон шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
24. **Рустамова** Ҳамида — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
25. **Соатова** Нури Маҳкамовна — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
26. **Сагидова** Гулмунир — Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
27. **Солиева** Саодат — Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
28. **Шомуслимова** Рикси — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
29. **Тоирова** Норбиби — Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.
30. **Тошхўжаева** Жўра — Янгийўл районидаги Эркин қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
31. **Тугушева** Завида — Чиноз районидаги Вреский поселкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
32. **Фозилова** Мунаввар — Сирдарё районидаги Сирдарё поселкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
33. **Халилова** Турди — Бўка районидаги Хўжақўрғон қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
34. **Хан** Ксения — Гулистон районидаги Крестьянское қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
35. **Ҳошимова** Раҳбар — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
36. **Чолакьянс** Люсик — Жамшудовна — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
37. **Шораҳмедова** Умри — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
38. **Шоранмова** Санобар — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
39. **Ёқубова** Лазокат — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.
40. **Яхёева** Тожи — Янгиер шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1961 йил, 21 январь.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

(ОКТЯБРЬ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Улуғвор етти йилликнинг иккинчи йилида район меҳнаткашлари эришган муваффақиятларнинг миқёси катта. Партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг кўрсатмаларини амалга ошираборив, район партия ташкилоти хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиши бирмунча яхшилади. Район саноат корхоналари йиллик планни муддатидан анча илгари бажариб, пландан ташқари 100 миллион сўмлик маҳсулот бердилар.

Шу нарса қувончлики, райондаги биронта корхона ҳам планини бажармай қолгани йўқ. Экспериментальмеханика, чинни ва 6-нон заводлари, 2-пойафзал, 1-тикувчилик фабрикалари каби илгор саноат корхоналарининг коллективлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган райком секретари ўртоқ Р. Нишонов ва музокарада сўзга чиққан делегатлар қўлга киритилган ана шу ютуқлар ҳақида гапириш билан бирга, асосий эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратдилар.

Конференцияда идеология ишлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари билан ҳали ҳам кам шуғулланаётганликлари учун район партия комитети ва бошлангич партия ташкилотлари адресига жиддий танқидий мулоҳазалар айтилди, маҳалла аҳолиси ўртасида илмий-атеистик пропаганда сust олиб борилаётганлиги, у таъсирчан ва ҳужумкор эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Айрим ҳолларда хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш фактлари ҳамон содир бўлмоқда, ёш қизлар сабабсиз ўқишдан қолдирилмоқда ва мажбуран эрга берилмоқда. Конференцияда шундай бир характерли мисол келтирилди. «Қизил юлдуз» маҳалласида яшовчи Азимбойвачча Усмонов деган бир шахс ўзининг 8 дан 17 ёшгача бўлган бешта қиз невларасининг ўқишига рухсат бермаган ва шу маҳалгача уларни мактабга юбормаган. Бу ерда шундай бир савол туғилади. Диний хурофотга муккаси билан кетган Азимбойваччаку шундай нолойиқ ҳаракат қилибди, ҳўш, ўқиш ёшидаги беш қиз боланинг узоқ вақт мактаб остонасини кўрмай келаётганини нахотки маҳалла активлари, бу ердаги коммунистлар, шу маҳалладаги мактаб ўқитувчилари коллективи пайқамаган бўлса?!

Яна бошқа бир мисол: шу райондаги маҳаллалардан бирида яшовчи Зарофат исмли қиз ўзи хоҳлаган йигитга турмушга чиқмоқчи бўлиб рухсат сўрагани учун онаси ва туғишган акаси томонидан оёқ-қўли боғлаб қўйилган ва узоқ вақт уйдан ташқарига чиқарилмаган.

Афсуски, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳоллари яккаю-ягона эмас.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Дадашев айтдики, ўқиш ёшидаги қиз болаларнинг бир қисми мактабдан четда қолиб кетмоқда. Районимиз бўйича умумий мажбурий таълим плани асосан қиз болалар ҳисобига бажарилмай қолаётир.

Докладчи ва сўзга чиққан делегатлар илмий-атеистик темада лекция ва суҳбатлар камдан-кам ўтказилаётганлиги сабабли ҳатто ёшлар ўртасида ҳали мачитга бориб намоз ўқиш ва бошқа диний маросимларда қатнашиш каби коммунистик ахлоқ принципларига ёт бўлган одатлар борлигини, хотин-қизларни жамоат ишларига актив жалб қилиш билан жиддий шуғулланилмаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Район территориясида Ҳамза номли, Муқимий номли, эстрада ва ёш тамошабинлар театрлари, Тошкент киностудияси, телевизион марказ каби кўпгина ижодий ташкилотлар бор. Лекин оммани коммунистик руҳда тарбиялашга даъват этилган бу ташкилотларнинг фаолиятида ҳам катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган кинофильмлар, саҳналаштирилган репертуарлар ва эшиттиришларнинг гоявий-бадиий савияси ҳали ҳам паст. Санъат ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар бўш олиб борилмоқда.

— Районимизда, — деди делегат ўртоқ Отамирзаев, — кейинги вақтда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ишига етарли эътибор берилмай қўйди. Мен театр коллективлари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини оталикка олсалар яхши иш қилинган бўлур эди демоқчиман.

Конференцияда кадрлар танлаш ва уларни тарбиялаш соҳасида, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам гап бўлди. Район саноат корхоналарида махсус маълумоти бўлмагани ҳолда 300 га яқин киши инженер-техниклик вазифасида ишламоқда. Масалан, «Қизил юлдуз» фабрикасининг тикувчилик цехида илгари ошпаз бўлиб ишлаган Абдуллаев, Охунбобоева номли фабриканинг бош кийимлари цехига тиш доктори Мирочник, тери-мўйна заводининг пойафзал цехига юрист Алексанов бошчилик қилмоқдалар ва ҳоказо. Айрим раҳбар ходимлар текинхўрлик, хусусий мулк орттириш, халқ ва давлат мулкини виждонсизларча талон-торож қилиш йўлига ўтиб олганлар. Металл-идишлар заводининг собиқ директори Раҳмонов бошлиқ бир группа жиноятчиларнинг фош этилганлиги, савдо шохобчаларида растраталарга йўл қўйилаётганлиги район партия комитети ва бошлангич партия ташкилотлари кадрлар танлаш ва уларни тарбиялаш билан кам шуғулланганликларини кўрсатади.

Кадрларни ўқитиш ва уларнинг сиёсий савиясини оширишга, пропагандист кадрлар танлашга етарли эътибор берилмаётганлиги ҳақида ҳам кўпгина фактлар келтирилди.

Музокарада чиқиб сўзлаган делегатлардан Алимов, Ершов, Муҳамедов, Оттигашов, Маҳмудхўжаева, Қаюмов, Мирҳўжаев, Хожихонов, Алиева ва бошқа ўртоқлар малакали инженер-техник ходимлар тайёрлашни яхшилаш, қурилишда индустриал методлардан фойдаланиш санъат асарлари тематикасини бойитиш, уй-жой таҳқиқлигини бартараф қилиш, ободонлаштириш, савдо-сотиқ ишлари билан кун сайин шуғулланиш ва комсомол-ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш лозимлигини такидлаб ўтдилар.

Конференция делегатлари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари, партиямизнинг навбатдаги XXII съезди ва қизғин тайёргарлик бошланиб кетганлиги муносабати билан район меҳнаткашлари ўртасида ижодий активлик мисли кўрилмаган даражада ошганлиги, саноат корхоналари, қурилиш ва муассаса коллективлари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Конференцияда область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Гуломов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзкомпартия Марказий Комитетининг секретари З. Ғ. Раҳимбобоева, область ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ж. Жалилов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари И. Р. Арнаутов ўртоқлар қатнашдилар.

* * *

Район партия комитетининг пленуми Р. Н. Нишонов, В. М. Травков ва Р. Н. Бобожонова ўртоқларни райком секретарлари қилиб сайлади.

ЮКСАК МАДАНИЯТ УЧУН

Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг бошқарма бўлимларида коммунистик меҳнат ва юксак маданият учун қизғин кураш бошланиб кетди.

Бошқарманинг ҳамма ходимлари ва улардаги хизматчилар коммунистчасига ишлаш, ахлоқли ва маданиятли бўлиш учун конкрет мажбуриятлар олиб, ўзаро мусобақа бошладилар.

Корхона партия ташкилоти, маҳаллий комитети ва комсомол ташкилоти бўлимлар томонидан олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини кузатиб бормоқдалар.

Бу бошқарма ходимлари бошлаган яхши тадбир барча идораларда кенг қўлланишга лойиқдир.

Т. УРУНОВ.



Чиноз районидаги Пахта РТС базасида «Ташкенткабель» заводининг филиали ташкил этилмоқда. Сим ўрайдиган цех ишга туширилди. Волочил цехи қурилиши тугалланмоқда. Суратда: янги цехдаги вертикаль-сим ўраш станоклари.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
4-БЕТ, 24 ЯНВАРЬ, 1961 ЙИЛ.

Пойтахтимизнинг Киров районидаги Энгельс ва Қорамурт кўчалари муюлишида катта озиқ-овқат магазини очилди. Суратда: янги магазинда савдо пайти.

М. Нуриддинов ва А. Абалян фотоси.

ХАЛҚ СОҒЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

Яқинда Бекободда шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан бир йиллик халқ соғлиги университети ташкил этилди. Университет ўзининг бир неча филиалларига ҳам эга. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ва Бекобод цемент комбинати ҳузурида иш бошлаган университетнинг филиаллари ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар.

Университет тингловчилари сони 400 кишига яқинлашиб қолди. Қисқа вақт ичида медицина фани ютуқлари, санитария-гигиена қоидаларига оид ўнга яқин лекция тингланди. Машғулотларнинг қизиқарли бўлиши учун лекциялар вақтида кўргазмали қуроллардан ва диаграммалардан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, ўтилаётган тема билан боғлиқ бўлган ҳужжатли фильмлар намойиш қилинмоқда.

«Шаҳар аҳолисининг санитария маданиятини ошириш», «Мактабларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш» каби темаларда ҳам алоҳида машғулотлар ўтказилади.

У. АЮПОВ.

Қуёш тўла тутилади

1961 йилнинг 15 февралида ажойиб астрономик воқеа юз беради. Шу куни қуёш тўла тутилади. Ой Ер атрофида ўз доираси бўйича ҳаракат қилиб, Қуёш ва Ерни бир-бирига боғловчи тўғри чизиқни кесиб ўтади. Шу вақтда Қуёш томонидан ёритилаётган Ойнинг қўланкаси Атлантик океан сувларига тушади ва секундига 1 километрга яқин тезлик билан Франциянинг жанубий, Италиянинг шимоли орқали Югославия, Руминия, Болгарияга ўтади. Москва вақти билан соат 11 га яқин Ой қўланкаси Совет Иттифоқи территориясига етади ва унинг Европа қисмини жанубий-ғарбдан шимоли-шарққа томон кесиб ўтади. Қуёшнинг тутилишини СССРнинг Европа қисмидагина тўла кўриш мумкин.

Қуёшнинг бу тўла тутилиши Совет Иттифоқининг Европа қисми территориясидан кузатилиши мумкин бўлган XX асрдаги энг сўнгги тўла тутилиш бўлади. Яқин вақт ичида бўладиган Қуёшнинг тўла тутилишини Ернинг астрономик экспедициялар ташкил этиш учун энг қийин районларидангина кузатиш мумкин бўлади. Лекин бунинг ҳам чораси топилди. Об-ҳавонинг «шафқати» кутиб ўтирилмайди. Бир қисм кузатишлар, булутлардан юқорига кўтариладиган самолётларда олиб борилади. Астрономлар метеорологлар билан ҳамкорликда ишлашади. Чунки метеорологлар кузатиш ишларини яхши олиб боришда уларга катта ёрдам берадилар. Астрономлар хромосфера ва Қуёш тутилиши бўлмаганда кузатилиши жуда ҳам қийин бўлган Қуёш атрофидаги гардишсимон ёрқин шуъла ташқи қатламларининг физик табиати ҳақида жуда кўп қизиқарли маълумотлар олишлари мумкин.

Халқаро аҳвол

КОНГО ФОЖИАСИ — НАТО ДАВЛАТЛАРИ УСТИДАН ЧИҚАРИЛГАН АЙБНОМАДИР

АККРА, (ТАСС). Ганада чиқадиган «Ивнинг Ньюс» газетаси ўзининг «Лумумбадан қўлингни торт!» сарлавҳали бош мақоласида шу нарсани таъкидлаб ўтадики, Конго бош министри Лумумба Тисвилдаги концентрацион лагеридан Элизабетвилга кўчирилганлиги Конго Республикаси миллий бирлиги ва мустақиллиги тарафдорларининг кучлилигидан ва Мобуту режимининг бўшлигидан яққол далолат бериб турибди. Эсини йўқотган Мобуту каллакесарлари, деб ёзади газета, оммавий равишда билдирилган норозиликлар ва намойишлар тазиқи остида Лумумбанинг тез орада озод қилинажаги ҳақида бир неча марта ёлғон ваъдалар бердилар. Улар бу ваъдаларни вақтдан ютиш ва халқнинг қаҳр ғазабидан қутулиш мақсадида берган эдилар.

Лумумбанинг маҳфий равишда кўчирилганлиги деб давом этади «Ивнинг Ньюс» газетаси, АҚШ ҳукумати ва унинг Конгодаги шериклари Конго халқи асосий кўпчилигининг иродаси билан ҳисоблашмаётганликларини яққол кўрсатиб турибди. Кейинги вақтларда Конгода рўй берган воқеалар ана шу шармандали ишга шерик бўлган НАТОдаги ҳамма давлатлар устидан чиқарилган айбномадир. Эйзенхауэр ва унинг мутаассиб шериклари АҚШни ана шу шармандали сиёсат гирдобига тортди.

«Ивнинг Ньюс» газетаси уқтириб ўтадики, ҳозирги вақтда Лумумбани озодликка чиқариш учун ҳамма чоралар кўрилиши лозим.

ЛАГАЙЯРД ТИНЧИМАЁТИР

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Жазоирдан хабар қилишича, бу ерда Жазоирда мустамлакачилик исёни ташаббускорларидан бири Пьер Лагайярднинг имзоси билан Жазоирда яшовчи французлар «қурашга тайёрланишга» даъват этилган брошюра пайдо бўлган. «Биз курашмоқ ниятидамиз», — дейилади брошюрада.

Мухбирнинг сўзларига қараганда, бундай брошюраларнинг тарқалиши, ўтган йил 24 январда бошланган исённинг бир йиллиги арафасида Жазоирда кескинликни кучайтириб юборган.

Лагайярд ҳозирги вақтда Испанияда яшаб турибди. Лагайярд ўзини турмадан бўшатган маъмурларнинг парвосизлигидан фойдаланиб, ўтган йил декабрь ойида Испанияга қочиб кетган эди. Шундан бери Лагайярд ва унинг тарафдорлари Жазоирда чақириқлар ва «янги қўзғолонга раҳбарлик қилиш учун» Лагайярд қайтиб келади, деган ваъдаларни кўпайтириб юбордилар.

МОДИБО КЕЙТА — МАЛИ ЯНГИ ҲУКУМАТИНИНГ БОШЛИҒИ

ПАРИЖ, 21 январь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Бамакодан хабар қилишича, кеча кечқурун Мали республикасининг миллат мажлиси Модибо Кейтани республика янги ҳукуматининг бошлиғи қилиб якдиллик билан тасдиқлаган. Шу вақтга қадар ишлаб келган муваққат ҳукумат тарқатиб юборилган эди.

Модибо Кейта янги ҳукумат составини миллат мажлисига тақдим этди ва ўзи тузган ҳукумат программасини баён қилиб берди.

Мали Республикаси Хавфсизлик Кенгашини чақиришни талаб қилмоқда

НЬЮ-ЙОРК, 21 январь. (ТАСС). Мали Республикаси Хавфсизлик Кенгашининг Конгодаги аҳвол тўғрисидаги масалани яна бир марта муҳокама қилишини талаб қилди.

Президент Модибо Кейта бу талабни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Хаммаршельдга юборган ўз телеграммасида илгари сурди.

Кейта Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Конго парламенти чақирилишига ва Лумумба ҳукуматининг ҳокимият тепасига қайтарилишига эришмаганлиги учун танқид қилади.

Тунги шарпа

Полковник Ю. В. УЛАНОВ айтиб берган воқеий қисса

ЎРГУМЧАК УЯСИ

Давлат хавфсизлиги комитети кабинетларидан бирида шартли белгилар туширилган карта бор. Бу белгилар Аллен Даллес раҳбар бўлган муассасанинг жосуслик марказларини кўрсатади. Ғарбий Германиянинг кўпгина пунктларида ана шундай уялар бор, аммо бундай уялар Мюнхен ва унинг атрофларида айниқса бижиб ётипти.

«Днестр» операцияси вақтида Совет Иттифоқига бевосита алоқадор бўлган картада янги белгилар пайдо бўлди.

...Абдулла Османов жосуслик йўлига кирмасидан олдин оддий дезертир ва эгриқўл одам бўлган. У армия хизматини Тюрингияда ўтаган. Бир куни, май байрами арафасида кичик шаҳарнинг хуфя бозорида совет ҳарбий қисмининг озиқ-овқат омборидан ўғирланган маҳсулотлар пайдо бўлиб қолади. Комендатура ва немис полицияси қўлга тушган чайқовчиларни сўроқ қилди. Улар Османовнинг ташқи кўринишини тасвирлаб бердилар, ундан юз почка қанд, сўнгра 80 банка сут консервасини сотиб олган жойларини кўрсатишди, аммо ўғрининг исмини айтиб бериша олмади.

Худди шу кезларда оддий жангчи Абдулла Османов хоинликни ихтиёр қилган. 3 майда у америка оккупация зонасига қочиб ўтди. Дезертирни тутиб олган Ғарбий Германия полициячилари уни дарҳол америкаликларга топширдилар.

Америка разведкачилари бири олиб-бири қўйиб Османовни бир неча соат сўроқ қилишди. Унинг ўғри эканлиги уларни сира ҳам қизиқтирмас эди. Улар Османов хизмат қилган ва бўлган ҳарбий қисмлар ҳамда қочишнинг шарт-шароитлари тўғрисида роса ёзиқилаб сўрашди.

Сўроққа раҳбарлик қилган офицер Османовдан америкаликлар қўлида қандай иш қилишни хоҳлашини сўради. У, ошпаз ёки нонвой бўлсам, деб жавоб берди.

Офицер кулди-да, русчалаб шундай деди:

— Йигит, сен қорин бандасига ўхшайсан-а. Биз сенга бошқа муносиброқ иш топиб берамиз. Ҳозирча бир оз дам олиб тур, биз ўйлаб кўрамиз.

Османовни хушиллаган бир хонага қамаб қўйишди. Орадан икки соатча ўтгач, уни чақиришдилар-да, усти бек машинага ўтказиб қаёққадир олиб кетишди.

Машина кичикроқ паркни ўраб турган туташ ғишт девор олдига келиб тўхтади. Катта шаҳарнинг у бошидан бу бошигача беш километрча келарди. Османов кейинроқ билса, бу Франкфурт-Майн экан. Паркнинг ичкарисида кичикроқ икки қаватли уй бор эди. Қочоқни ана шу уйга жойлаштиришди. Османов ва америкача ҳарбий форма кийган бир неча мумсуқ кишилардан бошқа бу ерда ҳеч ким яшамас эди. Бўйи икки метр келадиган новча одам Османов турган хонага бир кунда уч маҳал кириб, индамасдан столга овқат қўйиб чиқиб кетарди.

Эртасига дезертирнинг олдига икки америкалик келди. Улардан бири рус тилида яхши гаплаша оларди. Улар ўзлари билан бирга циферблат ва стрелкали аллақандай машина олиб келишибди.

— Сен, йигит, рост гапиряпсанми, ёки алдаяпсанми, ҳозир текшириб кўрамиз. Мана бу асбобни шунга олиб келганмиз, — деди бақалоқ америкалик, сезилар-сезилмас шарқ талаффузи билан.

Османовни столга орқасини қилиб ўтқазишди, қўллари ва кўкрагига резина камера кийгазиб, уни роса шиширишди. Сўнг машинкани электр тармоғига улашди. Османов машинанинг қандай гувиллаганини эшитиб турди. Ёнида ўтирган америкалик унга бўлиб-бўлиб, тез-тез савол берарди. Кўзойнак тақиб олган иккинчиси эса стрелкани кузатиб турибди.

— Сен бир қизнинг номусига тегдингми? Рус разведкасида қачондан бери хизмат қиласан? Сен қандай қилиб одам ўлдириб қўйдинг?

Османов ҳамма саволларга рад жавоб берди. Бироздан сўнг америкаликлар жўнаб кетишди. Ўша саволлар берган одам 7 майда яна келди. У ўзини анча дўстпарвар қилиб кўрсатиб, Ганс Джан эканлигини айтди. У билан бирга яна бир нотаниш киши келди, исмини Волдоу дейишаркан. Бу сафар улар Османовдан ҳаёти, қайси шаҳарларда бўлганлиги, Москвани яхши биладими йўқми, шулар ҳақида батафсил суриштиришди. Улар уни Москва ва Горький шаҳарларининг кўчалари схемасини ёддан чизиб беришга мажбур қилишди.

Орадан икки соатча ўтгач, Волдоу Османовга америка разведкасида хизмат қилишни таклиф этди.

Османов бу ишга менинг қобилиятим йўқ деб, бош тортишга уринди кўрди. Аммо Волдоу ва Ганс уни шундай ишга жуда бопсан деб ишонтиришди. 9 майда Османов АҚШ фойдасига ишлаш ҳақидаги мажбуриятга имзо чекди, сўнгра жосуслик ҳунарига ўргатиш учун уни Имменштадтга олиб кетишди.

Османов икки ярим ой давомида компас билан юришни ўзларштирди, топографияни ўрганди, ўзини ҳўбориш мўлжалланган жой билан таништи. Шундан сўнг Кауфбейрен шаҳридаги америка лагерида парашютдан ташлаш юзасидан амалий машғулотлар бошланди.

Ана шу вақт мобайнида у бир четдаги икки қаватли уйда яшаб юрди ва фақат уни тайёргарликдан ўтказаётган Волдоу ҳамда Джан билан учрашиб турди. Ҳар бир машғулот Советларга қарши ваҳимали пропаганда билан қўшиб ўтказиларди. Машғулот охирида эса Османовни топшириқни бажарганингдан сўнг ўзингни енгил бадавлат ҳаёт қўйнида кўрасан деб ишонтирардилар.

Шундай «ҳаёт»ни унга кўрсатишга ҳам ҳаракат қилишарди. Османовнинг очкўзлигини кўриб, унга истаганича овқат ва ичимлик беришди. Кечқурунлари эса Франкфурт ва Мюнхендаги тунги майхона ва фоҳишахоналарга олиб боришарди.

Америкаликлар тайёргарликни тамом деб ҳисоблаганларидан сўнг, Османовни Мюнхенга олиб келишди. 12 августда у Мюнхен аэродромидан Волдоу билан бирга Афинага учиб кетди. У бу ерда икки кун тургандан сўнг яна учиб кетди. 15 августга ўтар кечаси улар тушган самолётни Болгария, Руминия ва совет чегарачилари сезиб қолишди.

...Османов америкаликлар ўргатган йўл-йўриқни аниқ бажаришга ҳаракат қилди. Ерга тушгач, у пистоқиранг парашютни комбинезонга ўраб чўқурга кўмди, сапёр белчасини ҳам беркитди, сўнгра компас бўйича шимол томон қараб кетди. Унинг соат 3-у 50 минутда Бендери станциясига келадиган Измаил — Одесса поездига етиб бориши керак эди. Бу поездда Раздельная станциясигача бориб, кейин у ердан Харьковга билет олишни мўлжаллаган.

Жосус бир неча соат йўл тополмай адашиб юриб, поезддан кечга қолди. У станцияга етиб келганида перрон алла қачон бўшаб қолган эди. Османов навбатдаги поездни кутишга қарор қилди. Жосус эрталабгача темир йўл ошхонаси орқасидаги ахлат чўқурида ўтириб чиқди. Шу ерга битта тўппончасини ташладида, кейин бозорга бориб, кун бўйи одамлар орасида аралашиб юрди. Одамлар сийраклашиб қолгач, жосус вокзалга қараб кетди.

Ҳозир у якка камерада шумшайиб ўтирибди. Ўзини америка разведкасига гирифтор қилиб қўйган, жиноят йўлига етаклаган, жосус бўлишга рози бўлган ва ифлос иш учун ўз жигарининг номини танлаган ўша кун ва соатларини лаънатларди.

Вл. БАГРИН.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетамизнинг 17, 20 ва 22 январь сонларида).

Телевизор экранида

24 ЯНВАРДА

19.00. «Молодость» — телевизион журнал.

19.50. Рус тилида врач суҳбати.

20.00. «Ижодкорлик». «Цехда яратилган автоматика» — ўзбек тилида ҳужжатли фильмлар.

20.20. Сўнгги ахборот.

20.40. «Конго курашмоқда» — ҳужжатли фильм.

21.30. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт.

Тошкентнинг тамоша заллари да

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 24/I да **Кармен**, 25/I да **Дон-Кихот**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/I да **Алишер Навоий** 25/I да **Ҳамза**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/I да **Ошиқ Ғариб** 25/I да **Паранжи сирлари**. («Холисхон»).

КИНО

Шовқин-суронли кун (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12 ва кеч 10 яримда). **Кўчма қалъа** (кундуз 2.3 ярим ва кеч 5 да) — «ВАТАН».

Макр ва муҳаббат — «ВАТАН» (кеч соат 6 ярим ва 8 яримда). «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Даҳшатли тунлар — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун).

Ловуллаб турган дарё — «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Пластмассалар илмий-текшириш институтининг
янги ташкил этилган
ФАРҒОНА ФУРАН БИРИКМАЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИГА
аналитик текширишлар ва органик бирикмалар синтезига доир ишдан стажи бўлган
кимёгарлар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Фарғона шаҳар, Гидролиз кўчаси, 15-уй.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
25 январда
«БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
концерти
Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Автотранспорт ва тоғ йўллар министрлигининг
Тошкентдаги
48-АВТОБАЗАСИГА
автослесарлар, карбюраторчилар, тунукасоз, дурадгорлар, обойчилар, бўёқчилар, бош бухгалтер ўринбосари, бўлим бухгалтери
керак
Мурожаат учун адрес: Уста Ширин кўчаси, 117-уй (11-автобус, 6-троллейбуснинг «48-автобаза» остановкаси).

Калинин районидаги «Октябрь» колхози территориясида турувчи **Обид Юсуповнинг** Кураш кўчаси, 9-уйда турувчи Марҳамат Юсупова (Жўраева) дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 3-переулок 11-уйда турувчи **Анатолий Шмилович Линковскийнинг** шу уйда турувчи Доба Срулевна Териховичдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИН ИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали: Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими —29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими —29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р 00453. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр, Б. 1518.